

Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани олиш учун ФХДЁга бориш шарт эмас



Хабарингиз бор, 2023 йил 1 январдан Тошкент шаҳрида туғилганликни тиббиёт муассасалари орқали ФХДЁ бўлимларида қайд этиш тартиби жорий этилган.

Эндиликда бола туғилиши билан тиббиёт муассасаси у ва ота-онаси ҳақидаги маълумотларни, жумладан, бола рўйхатга қўйиладиган поликлиника ва ички ишлар бўлими, навбатга қўйиладиган давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳақидаги маълумотларни махсус электрон бланкага киритади ва автоматик равишда ФХДЁ бўлимига ахборот тизими орқали юборади.

ФХДЁ бўлими туғилганликни қайд этади ва QR-код (матрик штрихли код) қўйилган туғилганлик ҳақидаги маълумотномани тиббиёт муассасасига юборади.

Тиббиёт муассасалари маълумотнома боланинг ота-онасига тақдим этади.

Ушбу маълумотнома туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномага тенглаштирилади ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қабул қилишни рад этиш қатъиян тақиқланади.

Туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳнома фуқароларнинг исталган вақтдаги мурожаатларига асосан ФХДЁ бўлимлари томонидан экстерриториал тамойил асосида расмийлаштириб берилади.

Оталик белгилаш ва ёлғиз она аризасига асосан туғилишни қайд этишда ҳамда топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилишини қайд этишда бевосита ФХДЁ бўлимига мурожаат қилиниши лозим.

Маълумот учун: мазкур тартиб 2023 йил 1 июндан бутун республика ҳудудида жорий этилиши белгиланган.

С.Сайфиддинов

Термиз шаҳар Адлия бўлими

ЮХКМ бошлиғи